

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚОБУЛОВА НОДИРА БАҲОДИР ҚИЗИ

ЭРКИН АЪЗАМ НАСРИДА ДАВР ВА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Қобулова Нодира Баходир қизи Эркин Аъзам насрида давр ва инсон концепцияси.....	3
Кобулова Нодира Баходир қизи Эпоха и концепция человека в прозе Эркина Аъзама.....	23
Kobulova Nodira Bakhodir kizi The concept of period and humanity in Erkin Azam's prose	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚОБУЛОВА НОДИРА БАҲОДИР ҚИЗИ

ЭРКИН АЪЗАМ НАСРИДА ДАВР ВА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№ В2019.2.PhD/Fil.797 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Шавкат Аҳадович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тўраев Дамин Тўраевич филология фанлари доктори, профессор Каримов Баходир Нурметович филология фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/03.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 10 ноябрь соат 11:00 да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2020 йил «28» октябрь тарқатилди.
(2020 йил 28 октябрь даги «66» рақамли баённома)



М.Қ.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.

Б.Иўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бугунги глобаллашув шароитида бадиий адабиёт оламини умумбашарий мезонлар асосида баҳолаш талаб этилмоқда. Замоनावий адабиётшунослик фанида муайян давр адабиётида муҳим ўрин тутган, ўзига хос ижод услубига эга бўлган ижодкорларнинг асарларида давр ва инсон концепциясининг ифодасини очиб бериш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, давр ва инсон муаммоси ҳамisha адабиётда марказий ўрин эгаллаб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Замоनावий жаҳон адабиётшунослигида давр ва инсон муносабатлариغا янгича ёндашувлар, адабий-эстетик тамойилларнинг изчил такомиллашуви натижасида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривожига билан боғлиқ илмий концепциялар адабиётшунослик соҳаларининг тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Жаҳон адабиётшунослиги илм-фанининг айна тараққиёт босқичида бадиий асарга турли методлар асосида ёндашишга, алоҳида олинган ижодкор асарларида даврнинг инсон омиллари, характериغا кўрсатадиган таъсирини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давр ва инсон муаммоси адабиётшуносликда муҳим ўрин эгаллаб келаётгани, инсон характери ва ижодкор бадиий оламнинг муштараклиги, ижодкор бадиий дунёсининг ҳали илганмаган жиҳатларини, очилмаган қирраларини тадқиқ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда. Давр инсон характериға, тафаккур ва дунёқарашида муайян ўзгартиришлар киритади, бироқ унинг туб моҳиятини бутунлай ўзгартира олмайди. Тадқиқотни шу тамойиллар асосида бажариш, миллий адабиёт намуналарида давр ва инсон муносабати масаласини замоनावий талаблар асосида тадқиқ этиш жаҳон адабиётшунослигида ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Истиклол йилларида мамлакатимизда бадиий адабиётни ижодий индивидуал услуб нуктадан назаридан тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Давр ва инсон концепциясини бадиий образ яратиш маҳорати билан узвий алоқада тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарни таҳлил қилиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда жаҳон адабиётшунослигининг турли тадқиқот методлари асосида ёндашув сезилмоқда. Зеро, «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чулпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Шубҳасиз, миллий адабиётимизнинг жаҳонга юз тутиши бадиий тафаккур ривожига, ёш авлод камолотида, бадиий баркамоллик ва етуқлигини таъминлашда бадиий асар таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиеллари вакиллари билан учрашувдаги мазмунаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 январдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармоиши, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Эркин Аъзам ижоди кейинги йилларда адабиётшунослар, танқидчилар ва тилшунослар томонидан кенг ўрганиладигани адиб ижодининг ўзбек адабиётида алоҳида мавқега эга эканлигидан дарак беради. Адиб илк ижод намуналари биланок илмий ва адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Унинг илк ижодига У.Норматов, Н.Худойбергенов, Н.Шуқуров, О.Тоғаев, Н.Владимирова, Р.Отаев, Ҳ.Болтабоев, И.Ҳасановлар² муносабат билдирганлар. Адиб ижодига эътибор ва қизиқиш, айниқса, мустақиллик йилларида тобора ортиб борди. Хусусан, Эркин Аъзам ижоди ҳақидаги А.Расулов, С.Тўлаганова, М.Қўчқорова, М.Шералиева, Ф.Ражабова, С.Қурбонов, О.Шофиевларнинг тадқиқотларини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим³.

²Норматов У. Кичик мўъжизалар // ЎзАС, 1982 йил, 14 май; Худойбергенов Н. Ўзи ҳам, сўзи ҳам / Сени ўйлайман, замондош (70-80-йиллар ўзбек насири, шеърини ва адабий танқидчилиги ҳақида ўйлар, мулоҳазалар, мунозаралар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 90-130; Шуқуров Н., Ҳасанов И. Камалакдек ранг-баранг // Ешлик, 1984-йил № 12. – Б. 68-71; Тоғаев О. Гражданин – инсоннинг шаклланиши (Эркин Аъзамовга) / Прометей олови. – Т.: Еш ғардия, 1985. – Б. 112-114; Владимирова Н. Новеллачиликдаги изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988 № 6. – Б. 13-16; Владимирова Н. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Т.: Фан, 2011. – С. 129-130; Отаев Р. Дитрабо қўшиқлар айтилаверсин // Шарк юлдузи, 1984 йил № 2. – Б. 162-163; Болтабоев Ҳ. Ўз сўзини излаб // ЎзАС, 1982 йил, 20 август.

³Расулов А. Жасур калам соҳибини // Шарк юлдузи. – 2010. - №5. – Б. 68-75; Шу муаллиф. Услуб – истеъдод портрети (Эркин Аъзам ижоди). Адабий портрет. – Тошкент: Янги аср авлоди. – 2013. – Б. 108; Тўлаганова С. “Қурок”нинг кўзи // Ешлик, 2014 йил, №12. – Б. 35-37; Шу муаллиф. Янгилаётган қаҳрамон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012 йил, 4-сон. – Б. 95-99; Қўчқорова М. “Шовкин”нинг шов-шувлари // Ешлик. – 2013. - №1. – Б. 44-45; Шу муаллиф. Киноявий образ яратилган бадий шартлилик воситалари / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2013 йил. – Б. 45-60; Шу муаллиф. Эркин Аъзам насрида сув шартли бадий тимсоли // Тил ва адабиёт таълими, 2013 йил №12. – Б. 38-40; Шу муаллиф. Киноявий наср ва бадий шартлилик. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013 йил № 6. – Б. 48-52; Шу муаллиф. Янгилаган реализм: киноя, байтбарак, прототип масаласига доир / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 174-183; Шу муаллиф. Киноя ва пародия: тоталитар тузумга қарши исён (Ш Буттаевнинг “Эски арава” кассиси мисолида) / Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи. Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 236-239; Шералиева М. “Кичкина одам”нинг овози // Гулистон, 2002 йил, 1-сон. – Б. 60; Шу муаллиф. Қаҳрамон позицияси эстетик аналогия сифатида / Бобурнинг андишаси. Тошкент: Турон замин зие,

А. Холмуродов, М.Шералиева, Ш. Тошхўжаева ва О.Шофиевларнинг диссертацияларида Эркин Аъзам ижоди қўйилган масалаларни ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилган.⁴

Э.Аъзам наsrининг ранг-баранглиги, қахрамон характери, бадий-эстетик табиати, образлар тили ва маиший ҳаёт тасвири, қахрамон ва давр концепцияси масалалари, биографик метод тамойиллари, жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик, умумийлик ва ўзига хослик қабилар билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбек адабиётини ўрганишнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Эркин Аъзам бадий олами, асарларининг бадий-эстетик табиати, қахрамон ва давр концепцияси масалалари, хусусан, қахрамонлар воситасида адиб кўтариб чиққан муҳит ва характер, шароит ва шахс, давр ва инсон концепциясини ўрганиш, унга илмий-назарий баҳо бериш ва бадий ўзига хослигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Эркин Аъзам насрида давр воқелиklarининг акс эттирилишидаги ўзига хосликларни аниқлаш;

ёзувчи насрий асарларидаги қахрамонларнинг табиати ва ижодидаги биографик методнинг ўрнини таҳлил қилиш;

ёзувчининг насрий асарларидаги қиёфадош характерларни ўрганиш асосида адабий таъсир масалаларини очиқ бериш;

адиб насрига хос образлар тизими ва қахрамонлар табиатига хос жиҳатларни тадқиқ этиш;

2015. – Б. 35-42; Шу муаллиф. Насрда лиризм ва кино (Эркин Аъзам асарлари мисолида) // Шарқ юлдузи – 2012 йил №1. – Б. 156-161; Шу муаллиф. Киновий асар қахрамони ижтимоий-психологик тип сифатида // АДУ Илмий ахборотномаси. – 2012. №4. – Б. 76-80; Ражабова Ф. Адабий қахрамон янги тақдир // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2010, №4. – Б. 92-94; Шу муаллиф. Индивидуал услубда образ тасвири // Бадий тафаккур ва адабий жараён. Илмий тўплам. – Тошкент: 2010. №12. – Б. 31-35; Шу муаллиф. Эркин Аъзам услубида сўз қўллашнинг ўрни // Илм сарчашмалари. 2013, №7. – Б. 61-63; Шу муаллиф. Закиб қахрамонлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2015, № 6. – Б. 57-60; Шу муаллиф. Эркин Аъзамнинг сўз қўллаш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016, №2. – Б. 73-76; Шу муаллиф. Аниқ қисматли шахс жоғаси // Шарқ юлдузи. 2016, №2. – Б. 130-133; Қурбонов С. "Шовкин" романида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. №4. – Б. 99-104; Шу муаллиф. Ҳикоя структурасида микромаънларнинг ўрни // Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Профессор Ҳ.Ҳомидий таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2015. – Б. 248-252. Шофиев О. Кечикётган одам образи // Шарқ юлдузи, 2016. №8. – Б. 143-149; Шу муаллиф. Бадий асарда деталь // Тил ва адабиёт таълими, 2017. №7. – Б. 41-43; Шу муаллиф. Букаламуннинг баҳоналари // Жаҳон адабиёти, 2016. №12. – Б. 124-128; Шу муаллиф. Ўзбек адабиётшунослигида Эркин Аъзам ижодининг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар // Филологининг долзарб масалалари. Республика илмий анжуман материаллари. – Термиз, 2017. – Б. 63-67.

⁴ Холмуродов А. Ўзбек кинесачилиги: тарихий муаммолари (XX аснинг сўнгги чораги). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. – Б. 291; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида кино (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. – Б. 155. Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2017. – Б. 50; Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадийи (кино ва образ) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Самарқанд, 2019. – Б. 145.

ижодкор яратган қаҳрамонларни давр, инсон ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда таснифлаб ўрганиш;

характер қиёфасида ёзувчи нуктаи назари ва дунёқарашининг таъсирини тайин этиш;

қаҳрамонлар руҳиятини тасвирлашда ёзувчининг бадиий, тафаккур имкониятларидан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Эркин Аъзамнинг шу кунга қадар эълон қилинган барча насрий, драматик асарлари, киноқиссалари олинган. Шунингдек, қиёслаш учун Ойбек, Чингиз Айтматов, Эрнест Хемингуей, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод асарларига ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предметини Эркин Аъзам насрида давр ва инсон муаммосининг ёритилиши, ёзувчи нуктаи назари ва қаҳрамон табиати, характерлар ранг-баранглиги ва руҳият тасвири, маиший ҳаёт тасвирини гавдалантиришда ёзувчининг индивидуал услуги, наср ва жанр имкониятлари, бадиий тил воситаларининг адиб ижодидаги ўрни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий назарий таҳлил, қиёсий, психологик, биографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Эркин Аъзам насрида давр ва инсон муаммоси, даврнинг инсон характерига таъсири ва ёзувчининг барқарор характерлар яратиш маҳорати очиб берилган;

бадиий насрда образларнинг ички ва ташқи қиёфадошлиги, адибнинг поэтик маҳорати, индивидуал поэтик услубга хос руҳий-психологик ижод манерасининг муайян комбинациялари аниқланган;

Эркин Аъзам бадиий оламининг чексизлиги бетакрор қаҳрамонлар характеридаги ўзига хосликлар ва маиший ҳаётнинг реал тасвири орқали очиб берилган;

Эркин Аъзам ижодида биографик методнинг ўрни, адиб ижодининг ғоявий-эстетик моҳиятини ифода этишдаги аҳамияти асосланган;

ёзувчининг қаҳрамонлар руҳиятини тасвирлашдаги тафаккур кўлами ва бадиий тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати индивидуал услуги фонида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Эркин Аъзам насрида давр ва инсон муаммоси масаласи ёритилиб, адабий танқиддаги нуктаи назарлар умумлаштирилган;

адиб насри асосида қиёфадош характерлар талқини, маиший ҳаёт тасвири, онг ва онгости муносабатлар ифодаси, насрнинг бадиий тил хусусиятлари ва асар тилида лексик катламларнинг ўрни таснифланган;

тадқиқот этилган бадиий асарлар келгусидаги ижтимоий, психологик ва фалсафий йўналишдаги илмий изланишлар учун қимматли ва бой манба бўлиб хизмат қилиши, адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича илмий тадқиқотлар яратиш учун фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

Эркин Аъзам насрий асарлари тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий

маълумотлар бериши, ёзувчининг индивидуал услубига оид назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилиши, дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, биографик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани ва уларнинг хулосалари амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон адабиётшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги, адабиётшунослик методологияси асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг наср ва жанр имкониятлари, характерлар ранг-баранглиги, рухият тасвири масалаларини ўрганиш жараёнида намён бўлади. Эркин Аъзамнинг индивидуал маҳорати, асарларининг давр ва инсон муаммосига алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар “Адабиётшуносликка кириш”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадий таҳлил асослари”, “Янги ўзбек адабиёти” фанлари бўйича олий таълим муассасаларининг филология йўналишларидаги талабаларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, адабиёт фани бўйича академик лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига истиқлол арафаси ва истиқлол даври ўзбек адабиёти, адабий жараён бўйича машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркин Аъзам насрида давр ва инсон концепциясини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

давр ва инсон омили билан боғлиқ илмий-назарий масалаларни умумлаштириш юзасидан келтирилган хулосалардан, ХТ-Ф2-004 рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор аънавлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2083-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Эркин Аъзам насри поэтикаси, ундаги давр ва инсон концепцияси ҳамда адабий турлар ва жанрлар типологияси муаммосининг қўламини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган;

Эркин Аъзам насрига хос бўлган услуб қирраларини аниқлашга оид хулосалардан “ОФ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2083-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижасига оид хулосалардан Эркин Аъзам насрига хос бўлган услуб кирраларини аниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

Эркин Аъзам насрининг фольклор намуналари билан боғлиқлиги, оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсир масалаларига доир назарий хулосалардан ХТ-О-19919-“Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни” (2012-2016) мавзусида фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-03-2262-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Эркин Аъзам насрида фольклоризмлар ифодаланишининг ўзига хос хусусиятларини очишда, насрда фольклоризмларнинг муҳим бадиий-эстетик вазифа бажарганлиги хусусидаги қарашларини ёритишда манба вазифасини ўтаган;

Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан Озарбайжон Миллий Билимлар Академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон – Туркменистон – Ўзбекистон” адабий алоқалари шўбасида илмий тадқиқот олиб бораётган магистр ва илмий тадқиқотчилари фойдаланганлар. (ОМБА Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 22 июндаги №54 маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Эркин Аъзам насрининг ўзига хослиги, ёзувчининг характер яратиш маҳоратини ёритишда биографик методнинг роли муҳим манба бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, маҳаллий журналларда 5 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий анжуманларда маъруза ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «Давр қахрамон тақдирида» деб номланади ва икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли «*Эркин Аъзам насрида давр руҳи ва характер таққини*» деб номланган. Эркин Аъзам аксарият асарларида конфликт ва сюжет қурилишини айни давр ва инсон

муносабати асосида тиклайди. Бу унинг насрий, драматик, киносценарий асарларининг барчасига хос хусусият. Шунингдек, ёзувчи қаҳрамонлари икки тузум – шўро ва мустақиллик шароитида яшаётган кишилар. Ҳар хил мавзудаги бу асарларнинг асосий ғояси инсондаги инсонийликни тадқиқ этиш, инсон мўъжизасининг турфа манзараларидан хайратланишдан иборат. Уларни бирлаштириб турадиган яна бир жиҳат – замонавийлик, айна чоғда ўткинчи “об-ҳаво”лардан холиликдир.

Эркин Аъзам анъанавий тасвирлар билан бирга давр ва инсон концепциясини бадний тадқиқ этишда шартли рамзий тасвир ҳамда эпизодлардан ҳам самарали фойдаланади. “Шоирнинг тўйи” кассасида аллақачонлар ўлиб кетган Оташқалб шоирнинг ногиронлар аравачасида пайдо бўлиши, “Байрамдан бошқа кунлар”да Бакир бошқараётган автобуснинг учоққа айланиши каби. Аслида “Пиёда”даги Бердибой ҳам ўзига хос шартли рамзий образ. Ёзувчи бу образ орқали бугунги давр ва инсон омилини теран ва аниқроқ кузатишда фойдаланади, бугунги кунга ноодатий ракурстан, яъни ўтмиш нигоҳи билан қарайди.

Кишилик жамиятида даврнинг, замоннинг ўзгариб туриши фаслларнинг ўзгаришидек табиий ва қонуний жараён. Шахсий сифатлари камолотга етган, ўзлигини англаган кишилар, яъни барқарор характерлар бу ўзгаришлар палласида аслиятига содик қолишади. “Жаннат ўзи қайдадир” драмасидаги Жўракул домла бутун онгли ҳаёти давомида маъзи омонат ғояларига тўйинган давр илмига хизмат қилиб келди. Ҳар бир осий бандадек хатоларга йўл қўйди. Лекин мустақилликдан сўнг ўз идеалларига қарши бориб, янги даврнинг “қуйчиси”га айланмайди. Ўз ҳаётини сарҳисоб қилиб, адашганини англайди.

“Сув ёқалаб” асаридаги Болта Мардон кўп йиллар раис бўлиб ишлаган. Ўтган тузумнинг талаб ва ғояларини амалга оширди, бироқ унинг ичидаги инсон ва иймон ўлмаган эди. Оддий инсонларни, меҳнат қилиб бири икки бўлмаётган ҳамқишлоқларини тушуниб келди, уларга раҳми келди, зарур бўлганда химоя қилди, аяди. Болта Мардон босиб ўтган ҳаёт йўлидан кўнгли тўлган эмас, лекин у икки тузум оралиғида яшаган, изтироб чеккан барқарор характер эди.

Даврий ўзгаришлар инсоннинг ички моҳиятига у бу даражада таъсир қилади, лекин, унинг туб моҳиятини бутунлай ўзгартиролмайди. Насрий асарда образ инсоннинг муайян даражадаги тасвири бўлиб, у ҳаётдаги одамнинг шунчаки нусхаси эмас, балки ёзувчининг маълум давр ва шароитда яшовчи инсон ҳақидаги тасаввурининг бадий аксидир. Унда маълум давр ва муҳит кишисининг энг муҳим ва характерли хусусиятлари жамланганлигини юқорида қўриб ўтилган асарлар таҳлили тасдиқлайди.

Бобнинг «*Ёзувчи нуқтаи назари ва қаҳрамон табияти*» номли иккинчи фаслида Эркин Аъзам насри унинг бадий, илмий, публицистик мақолалари, суҳбатлари билан қиёслаб ўрганилган. Эркин Аъзам яратган Асқар, Бердибой, Нуриддин Элчиев, Бакир, Забаржад, Баҳром, Болта Мардон, Фарход Рамзон ва бошқа бир қанча асосий қаҳрамонлар хатти-ҳаракатида, ўй-фикрларида, муайян масалага муносабатларида муаллиф характери ва

нуктаи назарининг таъсири сезилиб туради. “Пиёда”даги Бердибой ҳамда “Отойининг туғилган йили”даги Асқар ўртасида анча яқинлик бўлса-да, бу характерлар ҳар бири ўзга шароит-у муҳитда ўсиб, яшайди. Шартакилик, ўжарлик, кўникмага айланган тушунча ва ҳодисаларга нисбатан инжиқлик, кўпчиликка андишасизлик бўлиб туюладиган хусусиятлари уларни бирлаштиради. Муаллиф Бердибой образи воситасида БУГУНГА КЕЧАнинг кўзлари билан қарайди, Асқар тимсолида эса БУГУНГА БУГУННИНГ қаричи билан ёндашади.

Эркин Аъзам насрини тадқиқ этганда унинг “Эрталабки хаёллар” китоби муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“... адабиёт ҳаёт ҳақидаги фан, у ҳаётга асосланиши керак. Унинг бевосита кўзгуси эмас, шу билан бирга, ҳаётга асосланадиган санъат. Мен ўзим қатнашган, ўзим кўрган, гувоҳи бўлган, ўзим билган нарсаларни ёзганман, – дея эътироф этади Эркин Аъзам. – Воқеа биринчи шахс – “мен” тилидан ҳикоя қилинади. Баъзилар мана шундай асарларимдаги қаҳрамонларни мен деб ўйлашади. Бу мутлақо хато. Қаҳрамон бажарган бирон-бир эзгу ишни мен қилгандирман, дўстимга тегишлидир ёки бошқа бир ёмонликни мен эмас, бошқаси қилгандир. Ахир қаҳрамон умумлашма бўлади-ку. Лекин ёшми-қари, қаттами-кичик – қандай қаҳрамон бўлмасин, бариди ўзимдан, табиатимдан нимадир бор.”⁵

Ушбу иқроқ шуниси билан эътиборлики, биринчидан, **қаҳрамон – ҳаёт – муаллиф учлиги** муносабатини ойдинлаштиради, иккинчидан, ёзувчининг ижод оламига, ижод лабораториясига олиб қиради.

Эркин Аъзам “Гули-гули” киссасида, “Ступка” ҳикоясида, “Шовкин” романида хориждан келган аёллар қисматига алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекона ҳаёт тарзига уларнинг кўзи билан, уларнинг ҳаёт тарзига ўзбекона нигоҳ билан қарайди. Яхши-ёмон, ижобий-салбий бу образлар ҳаёлий ёки ёзувчи фантазиясининг маҳсули эмас. Ёзувчи бу тўғрида “Париждан кўнгирик бўлгунча ва бўлгач”⁶ адабий суҳбатиди батафсил тўхталади.

“Байрамдан бошқа кунлар”даги Сафура ҳаётда ўрнини тополмаган бесаранжамроқ киз. Ҳозир унақаси жуда кўп, дунёнинг ҳар ёғида улоқиб юрибди. Бироқ кисса эълон қилинган, шу образ атрофида анчагина баҳслар бўлди.

Забаржад образи ҳам адабиётда ўзига хос янгилик бўлди. Туйғуларига эрк берган, озроқ шаддод киз образи адабиётнинг тадқиқ объектига айланмаган эди. Ички бир инсоний ҳурликка интилиши, мардлиги тантилиги, ёмондан ва ёлғондан ҳазар қилиши, тақдир йўлларининг чигалликлари билан бугунги замондош киёфасини ўзида акс эттирган образ деб, бемалол айтиш мумкин.

⁵ “Тафаккурини тўхтатиб бўлмайди” (Ёзувчи Эркин Аъзам билан суҳбат. Суҳбатдош - Жасур Кенғобев) Эркин Аъзам бадиий олами (илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами) - Т.: Турон-zamin ziyo”, 2014. – Б. 296.

⁶ Аъзам Эркин. Эрталабки хаёллар. “Париждан кўнгирик бўлгунча ва бўлгач” (Ёзувчи Эркин Аъзам билан суҳбат. Суҳбатдош - Обиджон Шофиев) - Т.: “О ZBEKISTON”, 2015. – Б. 571-577

Хуллас, бадий асарда яратиладиган характерлар тасодифий хусусиятларга эмас, балки конуний асосларга эга бўлиб, унда ёзувчининг нуқтаи назари муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Характерлар ранг-баранглиги ва рухият тасвири**» деб номланиб, у икки фаслни ўз ичига олади. Тадқиқотнинг «*Қиёфадош характерлар талқини*» номли биринчи фаслда адабиёт сўз санъати сифатида рангин воқеликни конкрет шахслар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу ва армонлари, хуллас, қаҳрамонлар тақдири орқали акс эттириши изоҳланади. Даврнинг ўзгарувчан қиёфаси, туб моҳияти, муаммо ва вазифалари қаҳрамоннинг тақдир йўлларида, онгу шуурида, хатти-харакатида, юриш-туришида, феъл-атвори ва дунёқарашида моддийлашади. Шуниси муҳимки, замона зайли, давр воқелиги, кундалик турмуш вазифалари, шакллари ўзгариши янги қаҳрамонлар, янги характерларга эҳтиёж пайдо қилади.

Эркин Аъзам насрида бир-бирига яқин, ўхшаш бир қатор қиёфадош характерлар жуфтлиги кўзга ташланади. Бу характерлар жуфтлигига берилган характеристикаларда, касб – кори, юриш – туриши, кийиниши, ўй-хаёллари, гапириш манераси, дунёқараши, диди, воқеликка муносабатида бир мунча яқинлик, ўхшашлик, қалб ва қиёфадошлик белгилари намоён бўлади.

Эркин Аъзамлар авлодига қадар яратилган адабиётда характер қиёфасида яқрамли сезиларди. Қаҳрамон яхши бўлса, асар сўнгигача яхши бўлиб қоларди ёки аксинча. Тўғри, баъзан битта-яримта хатою қусурларга ҳам йўл кўяр эдики, бу албатта, конфликтсизлик назариясининг 70 – йилларга қадар етиб келган инерцияси эди. “Жаннат ўзи қайдадир”даги Домла ҳам “Сув ёқалаб”даги Болта Мардон ҳам аср бошлари адабиётимиз учун тамомила янги ва хийла мураккаб характерлар.

Ҳар иккови ҳам реал ва ҳаётий кишилар образи сифатида ўз ютуқ ва камчиликлари, орзу армонлари, гуноҳу савоблари, ҳаётий мақсад ва интилишлари билан китобхон кўз ўнгида бус-бутун гавдаланади. Ҳар иккала асарда ҳам воқеабандлик муҳим ўрин тутмайди, балки биргина эпизодик воқеанинг авж ва драматик нуқтаси таҳлил қилинади. Болта Мардон умрининг охири кунлари қароқ томорқасини суғориш учун сув ёқалайди, Домла эса Америкага кўчиб кетиш вазиваси ва ғалвалари билан ҳаётининг сўнги кунларини яшайди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк ўн йилликлари юртдошларимиз ҳаётида синов даври, тарихий бурилиш йиллари бўлди. Умри ёлғон ғояларга хизмат қилиш учун ўтганини англаб етган Домла учун Америка вазиваси яна бир эсанкираш палласи бўлди. Бирок охир-оқибат рухий-психологик изтиробларда кечган босиб ўтилган ҳаёт йўлининг сарҳисоби уни ўзлигига қайтарди: у Жийдалида қолишни маъқул топди. Жийдали шунчаки туғилиб ўсган макон номи эмас, балки ўзликка, аслиятга қайтишнинг рамзи. Болта Мардон қисматида худди шунақа рамзни сербуток ва сеҳосил тут дарахти мисолида кўриш мумкин.

Эркин Аъзам яратган бир қатор асарлардаги ўхшашлик жиҳатлари муайян ижодкорлар асарларидаги “адабий эгачи”, “адабий қиёфадош” образларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этади. Шу

жихатдан “Жавоб” кассасидаги Нуриддин Элчиев ва “Байрамдан бошка кунлар”даги Бакир образларидаги характер жихатдан ниҳоятда яқинлик диккатни тортади. Гўёки Бакир улғайса, Нуриддин Элчиевга айланадигандек ёки чархи даврон ортга қайтса, Нуриддин Элчиев Бакирга эвриладигандек туюлади. Нуриддин Элчиевдаги камтарину камсукумлик ва Бакир табиатидаги бўш-баёвлик, соддалик шундай қиёслашимизга йўл очади.

Бобнинг «Характер ва маиший ҳаёт тасвири» номили иккинчи фаслда ёзувчи яратган характерлар ички дунёсини очиб беришда маиший ҳаёт тасвирининг ўрни изохлаб ўтилган.

Бир неча ўн йилликлар давомида адабиётга, энг аввало, ижтимоий салмок устувор бўлиши зарур деган ақида кўникмага айланган эди. Қахрамоннинг курашчанлик позицияси ҳам шундан келиб чиқадиган ҳосила эди. Шу боис қахрамоннинг маиший ҳаёт икир-чикирларига ўралашиб қолиши кўпчилик адабиёт ахлига ғалати туюларди. Эркин Аъзам бу ҳолатга шундай изох беради: “Ҳаёт ҳақидаги, адабиёт ҳақидаги тушунчаларимиз ўзгариб кетди. Уч-тўрт йилдаёқ. Танқидчи акаларимиз бизни чалғитиб келишди: ГЭСни ёз, БАМни ёз, улкан мавзуларда ёз, фош қил, ур! Инсонни ёзиш расм эмас эди. Майда мавзу ҳисобланарди у. Энди ана шу мавзу бош мавзуга айланди.”⁷ Бу бош мавзу эса унинг нафақат ижтимоий фаолияти билан балки маиший ҳаёти билан ўзлигини тўлик намоён қилади. Қахрамонни маиший ҳаёт фониди кўрсатиш Эркин Аъзамнинг “Жавоб”, “Байрамдан бошка кунлар” кассаларида атрофлича ва кенг тасвирланган.

Эркин Аъзамнинг кейинги асарлари, айниқса, театр, кино йўналишларига мослаб ёзилган “Сув ёқалаб”, “Қарздор”, “Жаннат ўзи қайдадир” асарлари тўлалигича маиший ҳаёт манзараларидан иборат эпизодларга бўйсундирилган. Болта Мардон, Баҳром муаллим, Домла каби асосий қахрамонларнинг ирода йўналиши, ҳаётий ақидалари, дунёқараши, маънавий қиёфалари, оилавий шароитдаги муносабатларда реаллашади. Бизнингча, театр ва кино санъатлари хусусиятлари ҳисобга олинган ушбу асарларда маиший ҳаёт тасвирининг етакчи мақомга кўтарилишида мелодрама жанрининг таъсири муҳим рол ўйнаган.

Ёзувчи бир оиладаги баҳс баҳонасида персонажларини ўзбекча, америкача, русча дунёқарашлар учбурчагига жойлаштиради. Хоним бутун оилани америкача ҳаёт тарзига тайёрламокчи, Домла иккиланавериб, охири Ўзбекистонда қолишни маъқул топади – яъни, миллий урф-одат, ватан туйғуси ваъда қилинаётган “жаннатмакон ҳаёт” устидан ғолиб келади. Бу баҳсда Москвадан шарқшунос бўлиб қайтган қизлари Клара отаси томонга ўтади. Гарчи Клара Россияда ўқиб, рус йигитга турмушга чиккан бўлсада, ота-она билан кўпинча рус ёки форс тилида гаплашсада, ундаги миллий ғурур, миллий маданият охир-оқибат ўзлигини кўрсатади.

Адиб халқона турмушнинг пасту баландини, оқу қорасини яхши билиб тасвирлайди, вазият ва ҳолатга қараб маиший ҳаётнинг энг керакли, энг

⁷ Аъзам Эркин. Довдираб колмадиқми? / Эрталабки хаеллар. – Т.: “O‘ZBEKISTON”, 2015. – Б.247

зарурий деталларини танлаб олади ва шулар воситасида образлар характерининг муайян қиррасини очиб беришга эришади.

Шунингдек, муаллиф томонидан берилган изоҳларда бўлажак ҳодиса, ҳаракат, ҳолат тасвирларининг “об-ҳаво”сини таъминлайдиган маиший деталлар: уй-рўғор жиҳозлари, ошхонада ишлатиладиган буюмлар, кундалик турмушда ҳар доим зарур бўладиган нарсалар – анжомлар ифодаси қуюқ қўлланилади ва шулар воситасида персонажлар хатти-ҳаракатининг ҳаётийлиги таъминланади.

Ижодкор ҳар бир қаҳрамонини унинг ижтимоий келиб чиқиши, касб-кори, ўрганиб қолган одатлари, мақсад-интилишлари нуктаи назаридан сўзлатар экан, уларнинг индивидуал қиёфалари билан бирга рухий олами, маънавий дунёси кўзга ташлана боради. Шу жиҳатдан Раҳматуллох Жийдалиев, Турсуний, Клара образлари ўзларининг оригинал характерлари, юриш-туришлари, ҳаётий интилиш ва қарашлари билан алоҳида ажралиб туради. Домла, Хоним образлари қатори бу образларнинг асосий сифат ва фазилатлари, камчилик ва қусурлари, маънавий даражалари маиший ҳаёт фонида очилади. Ёзувчи бу характерлар олдида катта ижтимоий масалалар ёки ғоявий курашчанлик вазифасини қўймайди, балки уларни кундалик турмуш фонида жонли кўрсатишни мақсад қилган ва бунни муваффақиятли кўрсата олган.

Тадқиқотнинг «**Наср ва жанр имкониятлари**» номли учинчи бобининг биринчи фасли «*Бадий тафаккурда онг ва онгости муносабати*» деб аталган. Маълумки, онг ва онгости муносабатлари фалсафий тушунча бўлиб, адабиётшунослик атамалари сафидан жой олганига ҳали кўп вақт ўтмади. Онг ифодаси деганда, энг аввало ижтимоий муносабатлар, муомала, юриш-туриш маданияти, ҳуллас жамият учун асосий меъёр ҳолига келган ахлоқий, этик-эстетик тушунчалар мажмуини англаймиз. Бу меъёр азалдан Шарк адабиётининг ҳам диққат-эътиборида бўлиб келган. Шу билан бирга онгости қатламига ҳам бот-бот мурожаат қилинган. Шуниси эътиборлики, бугунги адабиётда ҳар иккала тафаккур тарзининг нисбати тенглик касб этмоқда. Баъзи бир асарлар сюжети тўлалигича онгости тасвири принциплари мувофиқ қурилмоқда.

Онгда кечаётган жараёнлар ифодасини ёруғ ва чароғон хонага қиёслайдиган бўлсак, онгости қатламларида кечаётган жараённи қоронғи ва сизни у ерда нималар қутаётгани ноаён ертўлага қиёслаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек насрида яққол кўзга ташланаётган ушбу хусусиятга жаҳон адабиёти тажрибаларини ўрганиш, хусусан модерн ва постмодерн адабиётларнинг ҳаётбахш анъаналарини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳосила сифатида қараш ўринли бўлар эди.

«Шоирнинг тўйи» қиссасига ҳаётда бўлиб ўтган реал воқеа-ҳодисаларнинг бадий ифодаси сифатида қараш ўринли бўлар эди. Чунончи, қисса сюжетининг асосий тармоғини эгаллаган Шоир образи билан боғлиқ кечмиш, ҳаёт йўли фожиаларга туташ оташқалб шоир Усмон Носир қисматини ёдга солади. Қиссада ҳикоя қилинишича, ўтган асрнинг 30-йилларида бўҳтонлар билан қамалиб кетган Оташқалб шоирнинг ордан

ярим аср ўтгач, 80 йиллигини нишонлаш кечаси бўлади. Бу анжуманга бошқош бўлиб ўтказаетганларнинг кўпчилиги бундан ярим аср олдин Оташқалб шоирни игво-ю бўхтонлар билан қаматган кимсалар.

Адиб қисса сюжетига воқеликнинг энг драматик, калтис нукталарини асос қилиб олганлиги боис характерларнинг қиёфаси ярк этиб намоён бўлади. Юқорида эслаб ўтилган образларнинг барчаси гўёки юзларига никоб туттишган. Онгости кечинмаларида эса юзларидаги никоб йўқолади, асл мохиятлари кўринади.

Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилиш навбати Ажойиб домлага етади. Аслида Оташқалб шоирни қаматганлардан бири ана шу Ажойиб домла бўлади. У ҳам табиийки, минбарга “никоб” билан кўтарилади. Умрида кўп қирғинларни кўриб, келган балоларга бошқаларни рўпара қилиб, давр шамолининг эсишига қараб қиёфасини турлаб, туслаб келган бу образ – эллик йил олдин шоирга қарши кўрсатма берган киши, энди тантанавор рух билан жувонмарг кетган шоирни алқай бошлайди, завқ-шавқ билан сафсата тўқийди.

Анжумандаги вазиятни кузатиб, таҳлил қилиб турган оксокол шоир ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ҳолатини, гап-сўзларини аёвсиз тафтиш қилиб боради, гарчи тилида бўлмаса-да, дилида, кўнглининг туб-тубларида ҳақиқатни тан олади, анжуман баҳонасида кўрсатилаётган рийкорлик томошасини охиригача кўришга маҳкум этилади.

Шу ўринда ёзувчи ижодиди намоён бўлаётган яна бир асосга эътибор қаратмоқ зарур. Бу асарларида кўринаётган телба, савдойи кишилар образидир. “Гули-гули”даги Мўмин-Маймун, “Забаржад”даги Зокир образи шулар жумласидандир. Ёзувчи ҳар икки асарда ҳам “бетарафлик” позициясида туради, яъни бу образларнинг хатги-ҳаракати, гап-сўзлари, кийиниши, юриш-туришини тасвирлайди-ю, бироқ муаллиф нутқидан уларга характеристика бермайди, ўзининг муносабатини очик-ойдин билдирмайди. Умуман, ўтган асрнинг 80-йилларига қадар ўзбек насрида ёзувчининг қахрамонига муносабати, яъни характеристикаси анъана тусига кирган эди. Эркин Аъзам ана шу анъаналардан чекиниб, асосий эътиборини тасвирийликка йўналтиради.

Эркин Аъзамнинг қахрамонлари ўйлаб топилган ёки муаллифнинг имосига маҳтал қўлбола роботлар эмас, балки кечаги, бугунги кунимизнинг одамлари. Улар жонли, тирик организмлар бўлиш баробарида баъзан онгнинг, баъзан савки табиийнинг доиралари бўйлаб ҳаракат қилаётган, ўй-орзулари, ҳаётини мақсадлари йўлида ўзлигини топиб, баъзан йўқотаётган, гоҳида ўзлигидан ҳам, дунёдан ҳам воз кечиш арафасида яшаётган кишилар, тақдир эгалари. Жумладан, Забаржаднинг ўзи ҳам ўта мураккаб образ. Унинг баъзи ҳолатлари, қилиқлари ҳамиша ҳам соғлом ақлга бўйсунвермайди. Масалан, оилали бир эракнинг этагини туттиши каби вазиятлар. Гарчи Забаржад асарда муаллифнинг бош ғоясини ифода этса-да, ёзувчи уни ўз йўригига юргизмайди, унга эркинлик беради, чунки у инсон ўзининг омад-у омадсизлиги, бахт-у бахтсизлиги билан унга ато этилган тақдир йўлини

босиб ўтишига маҳкум. Шу боис ёзувчининг ижобий қаҳрамони бўлса-да, ёзувчи унга текис ва раво ҳаёт йўллари раво кўрмайди.

Бобнинг иккинчи фасли «*Эркин Аъзам насрининг бадиий тил хусусиятлари*» деб номланган. Ёзувчи ҳаётини воқеа-ҳодисаларни тасвирлаганда, образ яратганда жонли тилдаги шева, касб-хунарга оид тил бирликларидан, асл ва кўча маъноли сўзлардан, синоним ва антонимлардан, умумхалқ тилининг гап қурилиш усулларидан, архаизм ва жаргонлардан бирдек фойдаланган. Шунингдек, бадиий асарнинг тасвирийлиги ва таъсирдорлигини таъминлашда муаллиф шахсининг сўз бойлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар асарда автор тили жозибали бўлса, шубҳасиз у асарда персонажларнинг нутқи ҳам пала-партиш ва бачкана бўлмайди. Бошқача айтганда, муайян асарда персонажлар нутқи яхши бўлиб, муаллиф нутқи ғариб бўлмайди.

Ёзувчи турли асарларида воқеа кечадиган жойни турлича манзараларга кўчириши мумкин. Масалан, “Сув ёқалаб” асаридаги макон – маскан аниқ эмас, бироқ асардаги характерлар, уларнинг маиший ҳаёти, хатти-харакатлари, яшаш тарзи, шеваидан сюжетнинг Бойсун тоғи этакларидаги кишлоқларда шаклланаётганини илғаш мумкин. Воқеа қай бир географик муҳитга кўчса, Эркин Аъзам қаҳрамонлари ўша муҳит кишиларига хос ва мос нутққа “ўтади”. Шу билан бирга ёши, жинси, касб-кори, дунёқараши, дидига мувофиқ қаҳрамонларнинг нутқ тарзи, гап оҳанги аниқлик ва конкретлилик касб этади. Катта шахарларнинг “ҳадисини олмаган” содда, тўпори, кишилар нафақат ўз маконларида, бошқа манзилларда ҳам ўз шеваларида гаплашаверадилар. Эркин Аъзам насридаги характер-персонажлар ҳам шундай. Унда тошкентлик тошкентча, сурхондарёлик сурхонча, сирдарёлик сирдарёча лаҳжада “гапиртирилади”.

Маҳаллий ёки профессионал тил қатлами нотикнинг кимлигини, кийёфасини, қалбини кўрсатиб туриши билан бирга унинг ўз-ўзига берган тавсифномаси, характеристикаси ҳамдир.

